

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**5-сон**  
**(297)**  
**2008 й.**  
**январь-**  
**февраль**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

18. «Тошкент ҳайвонот боғи коллекцияларини тўлдириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 январдаги 15-сон қарори
19. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 январдаги 16-сон қарори
20. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 январдаги 18-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

21. «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2008 йил 15 январдаги 14-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 январда 933-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
22. «Микрокредитбанк орқали микромолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 31 январда 1763-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
23. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 10 декабрдаги 213-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 31 январда 1764-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 26 январдан 1 февралгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 18 Тошкент ҳайвонот боғи коллекцияларини тўлдириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тошкент ҳайвонот боғи коллекцияларини ҳайвонлар ва қушларнинг ноёб ва экзотик, шу жумладан «Қизил китоб»га киритилган турлари билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент ҳайвонот боғига, ўзининг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳайвонлар ва қушларни хорижий мамлакатларнинг ҳайвонот боғлари ва муассасалари билан алмаштиришга, шунингдек уларни юридик ва жисмоний шахслардан бепул қабул қилиб олишга рухсат этилсин.

2. Тошкент ҳайвонот боғи томонидан Ўзбекистон Республикасига келтириладиган ҳайвонлар ва қушлар, витаминлар, озуқалар, ветеринария препаратлари ва биологик препаратлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқладиган рўйхат бўйича 2012 йил 31 декабргача божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар Тошкент ҳайвонот боғининг ҳайвонлар ва қушлар коллекцияларини тўлдириш ва кенгайтириш учун мақсадли равишда йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент ҳайвонот боғи билан биргаликда ҳайвонот боғи коллекциясини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ҳайвонлар ва қушлар билан кенгайтириш ва бойитиш тадбирларининг аниқ режасини ишлаб чиқсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент ҳайвонот боғи коллекцияларини тўлдириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 10 январдаги 7-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 январь,  
15-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**19** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 январь,  
16-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 28 январдаги 16-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Чилонзор буюм бозори» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 23 январдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 11-модда) илованинг 2.3.8-бандидаги «ягона божхона тўлови ва белгиланган солиқ» сўзлари «божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) илованинг 64-бандидаги «ягона божхона тўлови ва белгиланган солиқ» сўзлари «божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 52-модда) 3-илованинг 10-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

«мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий ажратмалар тўлашдан тушадиган маблағлар»;

иккинчи — еттинчи хатбоши тегишли равишда учинчи — саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 28 январдаги 16-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 189-қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 28-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва айримларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 267-қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 43-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-қарорининг 3-банди ва қарорга 3-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 1-модда).

+

-

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

## **20 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПФ–3942-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПФ–3942-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 январь,  
18-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 28 январдаги 18-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 10 январдаги 6-сон қарори 8-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сон қарори билан» сўзлари «қонун ҳужжатлари билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 2-илованинг 22-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) «энг кам ойлик иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 1,6 баравари миқдориди» сўзлари билан алмаштирилсин.

—

+

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**21** **Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
28 январда 933-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 7 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-125-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрдаги 216-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 41-42 сон, 419-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрелдаги 87-сон буйруғи билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқнома»га (2000 йил 9 июнь, рўйхат рақами 933) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2007 йил 27 декабрдаги 235-сонли буйруғи бекор қилинсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 15 январь,  
14-сон

Ички ишлар вазирининг  
2008 йил 15 январдаги 14-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий  
ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги  
йўриқномага киритиладиган қўшимчалар**

1. 3.3-банддаги «128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3.4-банднинг:

биринчи хатбошиси «128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «128<sup>2</sup>-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида,» деган сўзлар билан тўлдирилсин; иккинчи хатбошиси «128<sup>1</sup>» рақамидан кейин «128<sup>2</sup>,» рақами билан тўлдирилсин.

3. 3.5-банднинг биринчи хатбошиси «128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «128<sup>2</sup>-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 3.6-банднинг биринчи хатбошиси «128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «128<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмида,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 3.7-банднинг биринчи хатбошиси «125-моддаси тўртинчи» сўзидан кейин «ва бешинчи қисмларида,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 3.10-банднинг биринчи хатбошиси «ва 128<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида» деган сўзлардан кейин «ҳамда 128<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 3.23-банднинг учинчи хатбошиси «128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «128<sup>2</sup>-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 5.4-банд «128<sup>1</sup>» рақамидан кейин «128<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

9. 8.3.3-банднинг иккинчи хатбошиси «транспортда телефондан фойдаланиш» деган сўзлардан кейин «ва транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле, видеодастурлар томоша қилиш учун фойдаланиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**22** **Микрокредитбанк орқали микроолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
31 январда 1763-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 10 февралдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», «Микроолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микроолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 2007 йил 8 июндаги 114-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредитбанк орқали микроолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 январь,  
1/1-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Марказий банк Бошқарувининг  
2008 йил 2 январдаги 1/1-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Микрокредитбанк орқали микроолиялаштириш учун жалб  
этилган грант ва кредитларни кредит уюшмалари ва  
микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида  
тақсимлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», «Микроолиялаш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

«2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида» 2007 йил 8 июндаги 114-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Микрокредитбанк орқали микромолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари (кейинги ўринларда — нобанк кредит ташкилоти) ўртасида танлов асосида тақсимлашнинг ягона тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Микромолиялаштириш учун Микрокредитбанк томонидан жалб қилинган грант ва кредитлар қайта молиялаштириш учун республикада фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотига танлов асосида ажратилади.

Микрокредитбанк томонидан микромолиялаштириш мақсадида жалб қилинадиган грант ва кредитлар (кейинги ўринларда — Микрокредитбанкнинг микромолиялаштириш маблағлари) ҳисобидан нобанк кредит ташкилоти орқали қайта молиялаштириш миллий валютада амалга оширилади.

2. Микрокредитбанкнинг микромолиялаштириш маблағлари нобанк кредит ташкилоти томонидан микроқарз, микрокредит ва микролизинг шаклларида муддатлик, қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва мақсадлилик тамойиллари асосида берилади.

### II. Кредитлаш мақсадлари

3. Микрокредитбанкнинг микромолиялаштириш маблағлари ҳисобидан нобанк кредит ташкилоти томонидан қуйидаги мақсадларни кўзда тутувчи тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга рухсат берилади:

деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтиришга, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишга, фермерлик иншоотларини қуришга, чорва моллари, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, минерал ўғит сотиб олишга, уруғлик, кўчатлар сотиб олишга; хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлашга;

мини-ускуналар, меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим фабрикатлар, фурнитура сотиб олишга;

халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқаришга; хунармандчилик ва уй меҳнатини ривожлантиришга;

сервис соҳаси, шу жумладан, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга;

соғлиқни сақлашни ривожлантиришга;

сайёҳлик индустриясини ривожлантиришга;

кичик кўламли, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ташкил этишга;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва туб (чуқур) қайта ишлашга;

маҳаллий саноатни ривожлантиришга;

қурилиш ва қурилиш материаллари индустриясига;

экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни, айниқса қишлоқ жойларида устувор равишда яратишга;

халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ бўлган бошқа тадбиркорлик фаолияти турларига йўналтирилади.

4. Микрокредитбанкнинг микроолиялаштириш маблағлари дастлабки сармояни шакллантиришга кредитлар шаклида микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга) ва фермер хўжалиklarининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ҳам берилади.

5. Микрокредитбанкнинг микроолиялаштириш маблағлари ҳисобидан кредитларни қуйидаги мақсадларга бериш мумкин эмас:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга;

тамаки ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқаришга;

маъмурий харажатларни тўлашга, шу жумладан, хизмат автомобилларини таъмирлашга;

идора учун мебель сотиб олишга, уяли телефон, пейджерлар сотиб олишга, алоқа хизматлари учун тўловга.

### **III. Микрокредитбанкнинг микроолиялаштириш маблағларини нобанк кредит ташкилотига тақсимлаш шартлари**

6. Микрокредитбанкнинг микроолиялаштириш маблағлари бир иш ўрнини яратишга кредит маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда танлов асосида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ўртасида қайта молиялаштириш мақсадида тақсимланади.

7. Нобанк кредит ташкилотига кредит ресурсларини тақсимлаш танлов асосида қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

нобанк кредит ташкилоти рўйхатга олинган кундан бошлаб камида икки йил давомида ўз фаолиятини амалга оширган бўлиши;

Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга амал қилаётган бўлиши;

муддати ўтган кредитлар суммаси охириги олти ой давомида нобанк кредит ташкилотининг кредит портфели ҳажмининг 5 фоизидан юқори бўлмаслиги;

нобанк кредит ташкилотининг капитали устав фонди, текинга олинган мулкларни чегиргандан сўнг охириги олти ой давомида нобанк кредит ташкилоти активларининг камида 5 фоизини ташкил этиши.

### **IV. Микрокредитбанк томонидан микроолиялаштириш маблағларини ажратиш тартиби**

8. Нобанк кредит ташкилоти Микрокредитбанкнинг микроолиялаштириш маблағларини кредит линиясини очиш орқали жалб этиши мумкин. Кредит ресурсларини банкдан жалб қилиш шакли ва шартлари Микрокредитбанк ва нобанк кредит ташкилоти ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатиб ўтилади.

9. Нобанк кредит ташкилоти томонидан микроолиялаштириш мақсадида Микрокредитбанкдан жалб қилинган кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар шартномада кўрсатилган муддатларда Микрокредитбанкка қайтарилиши шарт.

10. Микрокредитбанк ажратилган микроолиялаштириш маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш мақсадида нобанк кредит ташкилотининг ўзида кредит йиғмажилдларини ўрганиш йўли билан ҳамда уларнинг вакили билан биргаликда, жойларга чиққан ҳолда, текшириш ҳуқуқига эга.

11. Микрокредитбанкнинг микроолиялаштириш маблағлари нобанк кредит

ташкilotига Микрокредитбанкнинг маржаси қўшиб ҳисобланадиган фоиз ставкаси асосида ажратилади.

12. Кредит линияларини очиш учун Микрокредитбанк билан нобанк кредит ташкilotи ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасида очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг қўйидаги асосий шартлари белгиланади:

кредит линияси суммаси;

кредит линияси ҳисобига маблағларни ажратишнинг муддатлари;

фоиз ставкаси;

кредит линияси маблағларини нобанк кредит ташкilotи томонидан мақсадли ишлатилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби.

13. Микрокредитбанк бир ёки бир нечта нобанк кредит ташкilotи билан кредит линиясини очиш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига эга.

14. Микрокредитбанк томонидан нобанк кредит ташкilotига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларининг ҳисоби кредит линияси муддатига мос равишда очиладиган 15401 — «Банк бўлмаган молиявий муассасаларга бериладиган узок муддатли кредитлар» ҳисобварағида юритилади.

15. Микрокредитбанкнинг микромолиялаштириш маблағлари нобанк кредит ташкilotининг балансида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади.

16. Микромолиявий хизмат кўрсатиш учун очилган кредит линиялари маблағлари бўйича фоизлар кредит линиясидан маблағлар нобанк кредит ташкilotининг Микрокредитбанкда очилган талаб қилиб олингунича ҳисоб рақамига ўтказиб берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва унинг тўлови ҳар ойда амалга оширилади.

17. Нобанк кредит ташкilotи Микрокредитбанк кредит линияси маблағларининг кредит шартномасида белгиланган муддатларда ишлатилмаган қисмига кредит шартномаси шартларига мувофиқ фоиз тўлайдилар.

18. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган мақсадлардан ташқари бошқа мақсадлар учун микромолиявий хизмат кўрсатилиши кредит линияси маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш деб баҳоланади ва у Микрокредитбанк ва нобанк кредит ташкilotи ўртасидаги кредит линияси очиш шартномасида белгиланган чораларни кўриш учун асос ҳисобланади.

19. Микрокредитбанк билан нобанк кредит ташкilotи ўртасида кейинги кредит линиялари очилганда янги кредит линияларининг суммалари кўрсатилган ҳолда қўшимча кредит шартномаси расмийлаштирилади.

20. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин нобанк кредит ташкilotи Микрокредитбанкка кредит линияси маблағларини, ҳисобланган лекин тўланмаган фоизлар қолдиғини қўшган ҳолда кредит шартномасида белгиланган муддатларда тўлаши шарт.

21. Нобанк кредит ташкilotи Микрокредитбанкнинг кредит линияларини ўзлаштиришнинг ахvoli тўғрисида ҳар чоракда Микрокредитбанкка, микромолиявий хизмат кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслар рўйхатини илова қилган ҳолда, маълумот тақдим этадилар.

#### **V. Микрокредитбанк маблағлари ҳисобига кредитларни бериш ва ҳисобини юритиш тартиби**

22. Микрокредитбанкнинг микромолиялаштириш маблағлари ҳисобидан кредитларни бериш нобанк кредит ташкilotи кредит сиёсатида ўрнатилган тартибда рас-

мийлаштирилганидан ва кредитнинг қайтарилишини таъминловчи ҳужжатлар қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, нобанк кредит ташкилотига тақдим қилингандан сўнг 10 (ўн) иш куни давомида амалга оширилади.

23. Кредит ажратилишидан олдин кредит ҳужжатлари бўйича қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

кредит ҳужжатларининг тўлиқлиги;

кредит қўмитаси қарори билан кредит шартномасининг мазмуни ўртасида мувофиқлик (кредит миқдори, фоиз ставкаси, кредит муддати, фойдаланиш мақсади, таъминот ва бошқа талаблар);

барча шартномаларнинг қонун талабига асосан расмийлаштирилганлиги (кредит шартномаси, кредитнинг таъминоти бўйича шартномалар).

24. Нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва кредит ходимлари кредитни ажратиш жараёнида юқорида кўрсатилган барча бандларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

25. Кредитлар қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида нобанк кредит ташкилотининг Микрокредитбанкдаги алоҳида очилган ссуда ҳисоб рақамидан ўрнатилган тартибда пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулда ажратилади.

Нақд пул шаклида кредитларнинг ажратилиши Ўзбекистон Республикаси банкларининг касса айланмалари тўғрисидаги статистика ҳисоботининг 53, 54-рамзлари (символи) бўйича акс эттирилади.

26. Юридик шахс мақомини олишига ҳамда кредит ажратиш муддатига қараб кредитлар мос баланс ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

27. Кредит шартномаларининг ва гаров шартномаларининг асл нусхалари кредит бўлимининг хизмат фармойиши асосида тегишли кўзда тутилмаган шароитлар ҳисоб рақамларига кирим қилинади ва нобанк кредит ташкилоти кассасида сақланади. Юқорида қайд этилган ҳужжатлар асосий қарз ва фоизлар бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилган куни кассадан олинади, уларнинг қиймати эса кўзда тутилмаган шароитлар ҳисоб рақамларидан ҳисобдан чиқарилади.

28. Олдин олинган кредит ва фоизлардан қарздорлик мавжуд бўлса янги кредитлар берилмайди.

29. Нобанк кредит ташкилоти Микрокредитбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан юридик шахс ва жисмоний шахсларга истеъмол учун, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига микромолиявий хизматларни кўрсатишда фойдаланишлари мумкин.

30. Нобанк кредит ташкилоти кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида ажратилган кредитларни мақсадли ишлатилиши устидан доимий мониторинг ўрнатади. Мазкур мониторинг қарздорнинг инвестиция лойиҳасини ва кредит шартномаси шартларини амалга оширилишига ҳар томонлама қўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим.

31. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолда, нобанк кредит ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ, қарздорни бундан кейин кредитлашни рад этишга, қарздордан кредит суммасини муддатидан олдин қайтариб олишга ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ва муддатидан олдин ундириб олишга ҳақлидир.

32. Қарздор кредит бўйича қарзи ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномаси шартлари асосида тўлашдан ёки гаров шартномаси шартлари асосида гаров мулкани нобанк кредит ташкилоти тасарруфига беришдан бош тортган ҳолда, нобанк кредит ташкилоти ушбу микрокредитни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

## VI. Яқуний қоида

33. Берилган кредитлардан мақсадли фойдаланилмаётганлиги аниқланган ҳолда, Микрокредитбанк нобанк кредит ташкилотидан кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмини муддатидан олдин қайтаришини талаб қилишга ҳақли. Нобанк кредит ташкилоти Микрокредитбанкнинг ушбу талабини ўзаро тузилган кредит шартномасида белгиланган шартлар асосида бажаришга мажбурдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА  
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 23 Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зарарқунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
31 январда 1764-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 10 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Давлат инспекциясини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида»ги 449-сонли ва 2003 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 290-сонли қарорларига асосан **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зарарқунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги Низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Ў. Барноев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири

С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 декабрь,  
213-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2007 йил 10 декабрдаги 213-сон  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 декабрдаги 449-сон қарорига мувофиқ, республика ҳудудига чет мамлакатлардан кириб келиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш, уларни вақтида аниқлаш, уларнинг тарқатилишига йўл қўймаслик ва уларни йўқ қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантинига оид қоидалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш қоидаларини белгилайди.

### И. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бегона ўтлар** — биологик ва экологик жиҳатдан маданий ўсимликлар орасида ўсиб кўпайишга мослашган, ҳосилни ҳамда маҳсулот сифатини пасайтирувчи ёввойи ёки ярим хонаки ўсимликлар;

**зараркунандалар** — қишлоқ хўжалик ўсимликларига ва уларнинг ҳосилига зарар етказадиган жониворлар ва ҳашаротлар;

**ўсимликлар карантини** — Республиканинг ўсимлик бойликларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунандалар, бегона ўтлар, турли хил ўсимликлар касалликлари ва бошқа карантин остидаги материаллар олиб келиниши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган давлат тадбирлари тизими;

**карантин объекти (карантиндаги организм)** — ўсимликлар ҳамда ўсимлик маҳсулотларига катта зиён етказиши мумкин бўлган зараркунандалар, ўсимлик касалликларини қўзғатувчилар ёки бегона ўт тури;

**карантин остидаги ҳудуд** — карантин объектининг ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан тадбирлар ўтказилаётган ҳудуд;

**карантин назоратидаги материал** — ўсимликлар, ўсимликларнинг мевалари ва уруғлари, ўсимликларнинг қисмлари, техник экинларнинг толалари, ун, ёрма ва шу каби қайта ишлаш маҳсулотлари, карантин объектларини олиб ўтувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва юклар;

**карантин остидаги материал** — карантин объекти билан зарарланган карантин назоратидаги материал;

**карантин остидаги материалларнинг экспертизаси** — карантин остида-

ги материаллар намуналарининг карантин ҳолатини татбиқ этиш, зарарли организмларнинг тур жиҳатдан ҳолатини аниқлаш;

**карантин остидаги материаллар фумигацияси** — зарарли организмларни йўқотиш мақсадида, карантин остидаги материаллар ва транспорт воситаларини захарловчи моддалар — фумигантларнинг буғлари ёки газлари билан зарарсизлантириш;

**ўсимликлар карантини пункти** — карантин остидаги импорт, экспорт ва транзит материаллари намуналарининг карантин текшируви ва экспертизаси, чет элдан келаётган транспорт воситаларининг текшируви амалга ошириладиган, шунингдек улар зарарсизлантириладиган жой;

**ўсимлик карантини чегара пункти** — дарё портлари, аэропортлар, темир йўл станциялари, бош почта алоқа тармоқлари ва уларнинг тизимларида, шосселар ва бошқа чегара зоналаридаги ўсимликлар карантини пункти;

**карантин текшируви** — экинлар, кўчатлар, ўрмон касалликлари ҳудудлари ва тупрокни уларнинг карантин ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш;

**фитосанитар назорати** — зарарли организмлар ва улар табиий кушандаларининг тарқалиши, шунингдек уларнинг ривожланиш суръати ва зарарлилик даражасини кузатиб бориш ҳамда аниқлаш;

**интродукция-карантин кўчатхонаси** — хориждан олиб келинаётган кўчатлар ва уруғлар карантин объектлари билан яширин зарарланган ёки зарарланмаганлигини аниқлашга мўлжалланган махсус кўчатхона;

**фитосанитар сертификати** — карантин назоратидаги материал карантин объектлари билан зарарланмаганлигини тасдиқлайдиган ҳамда материалнинг йўналиши, ташиш шартлари ва ушбу материалдан фойдаланиш шартлари, материалнинг идиши ва ўрамларини белгилайдиган ҳужжат;

**импорт карантин рухсатномаси** — ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматчиси томонидан белгиланадиган шартларда карантин назоратидаги материалларни республикага олиб кирилишига ёки унинг ҳудуди бўйлаб транзит олиб ўтилишига, Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) томонидан рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

2. Ўсимликлар карантини тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

3. Барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ўсимликлар карантини бўйича профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш бўйича масъул ҳисобланади.

4. Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида белгиланган ҳуқуқларга эга.

5. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва унинг ташқарисига олиб чиқиладиган асосий карантин назоратидаги маҳсулотлар, юклар ва материаллар (товарлар) рўйхати Низомга илова қилинади (мазкур Низомнинг 1-илоvasи) ва у Низомнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## II. Ўзбекистон Республикасига карантин назоратидаги материалларни олиб кириш бўйича карантин қоидалари

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига карантин остидаги материалларни олиб кириш ман этилади. Қонун билан истисно тариқасида рухсат этилганлар бундан мустасно.



7. Ўзбекистон Республикасига чет мамлакатлардан қуйидаги карантин остидаги материалларни олиб киришга истисно тариқасида рухсат берилади:

илмий мақсадлар учун уруғлик ва кўчат намуналарини, уруғлик ёки кўчат, улар етиштирилган мамлакат ҳудудидаги карантин ҳолатидан қатъи назар, интродукцион-карантин питомниклари ва оранжееларнинг текширилганлигини тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлган ҳолларда;

қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини, бактерия, вирус, микроплазма ва бошқа айрим замбуруғ касалликларининг уруғ ва кўчатлари махсус ажратилган интродукцион-карантин питомникларда давлат нав синаш участкаларида илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадида;

карантин объектларининг, янги мева ва сабзавотларнинг товар партиялари қайта ишланган ҳолда озуқа ва ем-хашак мақсадларида фойдаланиш учун;

бегона ўтларнинг карантин турлари, шу жумладан уларнинг ягона навлари озуқа, ем-хашак ва илмий мақсадлар учун олиб келинганда.

8. Чет мамлакатлардан республикага карантин назоратидаги материалларни олиб киришга:

Инспекция томонидан берилган импорт карантин рухсатномаси (мазкур Низомнинг 2-илоvasи) ҳамда экспорт қилаётган мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари берадиган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари бўлмаган чет мамлакатдан карантин назоратидаги материалларни республикага олиб киришга Инспекция томонидан ҳар бир партиёга алоҳида ҳолда бериладиган импорт карантин рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

9. Импорт карантин рухсатномаси юк олувчининг Инспекция номига ёзадиган аризасига (мазкур Низомнинг 3-илоvasи) мувофиқ берилади.

10. Ўзбекистон Республикасига импорт карантин рухсатномаларисиз товар олиб кирилишига товар жўнатаётган мамлакатнинг ўсимликлар карантини муҳофазаси давлат органлари томонидан берилган фитосанитар сертификатлари мавжуд бўлса ва Ўзбекистон карантин лабораторияси томонидан иккинчи марта кўздан кечирилиб, қайта назоратдан ўтказилганидан кейин рухсат этилади.

11. Халқаро кўргазмалар учун юборилган карантин остидаги материаллар кўргазмалар ўтказиладиган жойдаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

Агар кўргазма экспонатлари орасида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши тақиқланган ёки карантин остидаги материаллар билан зарарланган материаллар мавжудлиги аниқланса, бундай материаллар зудлик билан қайтариб юборилиши ёки олиб қўйиб, зарарсизлантирилиши лозим.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган ёхуд фитосанитар назорати ва назоратдан ўтказилмаган кўргазма экспонатлари, шунингдек карантин остидаги маҳсулотлар, фитосанитар назоратидан ўтмаган тирик организмлар (хужайра, плангтон, булдурут, парранда ва сут эмизувчилар тухумлари каби мавжудотлар) урчитиш манбалари ҳамда сув ости ўсимликлари, илдизсимонлар оиласига мансуб ўсимликлар мевалари, уруғлари (кўчатлари)ни четдан олиб кириш аниқланган тақдирда Инспекция ва унинг ҳудудий тузилмалари ходимлари томонидан улар тўхтатиб қолинади ёки мутахассислар иштирокида зарарсизлантирилиб, бу ҳақда алоҳида далолатнома тузилади ва манфаатдор тарафларга маълум қилинади.

13. Чет мамлакатлардан республикага олиб кириладиган карантин назоратида-

ги материаллар республика ҳудудига келиб тушган жойларда ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторлари томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши шарт.

14. Республика ҳудудидан олиб ўтилаётган, ичида карантин назоратидаги материаллар бўлган транзит юклар ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши зарур.

15. Карантин назоратидаги материаллар келтирилган жойда иккинчи маротаба ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан фитосанитар назоратидан ўтказилгандан кейин фойдаланишга тавсия этилади.

16. Карантин остидаги импорт материалларни олиб кириш, транзит қилиш ва улардан фойдаланиш импорт карантин рухсатномаларида белгиланган шартлар асосида амалга оширилади. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг розилигисиз жойларда карантин остидаги импорт материалларни бошқа ташкилотларга бериб юборилиши, бошқа ҳудуд ва бошқа минтақаларга жўнатилиши тақиқланади.

17. Ўсимликлар карантини қоидаларини мунтазам равишда бузувчи, Инспекция томонидан кўрсатилган карантин фитосанитар тадбирлари ижросини таъминламайдиган тадбиркорлик субъектларига карантин назоратидаги юклар ва материаллар олиб кириш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш белгиланган тартибда тўхтатилади.

### **III. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби**

18. Республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш чегарадан ўтиш жойларида ташкил этилган ўсимликлар карантини чегара пунктлари томонидан амалга оширилади.

19. Республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материалларни фитосанитар назоратидан ўтказиш ўсимликлар карантини чегара пунктлари давлат инспекторлари томонидан юklarини туширишга қадар шунингдек, тушириш ва ортиш жараёнида амалга оширилади.

20. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторлари бошқа мамлакатлардан республика ҳудудига кемалар, поездлар, самолётлар ва автотранспортлари орқали олиб кирилаётган карантин назоратидаги материалларни ҳамда почта жўнатмаларини қабул қилиб олишда бевосита иштирок этадилар.

21. Транспорт ёки юкнинг юзасида карантин остидаги материаллар йўқ бўлса, ўсимлик материалларининг фитосанитар ҳолатини аниқлаш учун ўсимликлар карантини чегара пункти давлат инспектори юк партияларидан белгиланган тартибда намуналарни танлаб олади ва назоратдан ўтказилади.

22. Юк ва транспорт воситаларида карантин остидаги материаллар борлиги аниқланса, уларнинг намуналари тасдиқлаш учун карантин лабораториясига юборилади. Аниқланган карантин остидаги материаллар белгиланган тартибда зарарсизлантирилиши ёки юк жўнатувчига қайтариб юборилиши лозим.

23. Ўзбекистон Республикасининг чегара пунктига етиб келган йўловчилар, кема командаларининг аъзолари, самолёт, поезд бригадалари ва автотранспорт экипажлари божхона декларациясини тўлдириш вақтида қўл юки ёки багаж(юк хона)да карантин назоратидаги материаллари бор-йўқлигини кўрсатишлари ва агар мавжуд бўлса, уларни фитосанитар назоратидан ўтказишлари шарт.

24. Вагонлар, трюмлар, автомашиналар, контейнерлар ва юк қўйиладиган жойларни (юк хонани) очиб кўриш ўсимликлар карантини чегара пункти давлат инспектори талабига биноан транспорт ташкилотларининг вакиллари, ҳайдовчилар ёки багаж(юк хона) эгалари билан биргаликда амалга оширилади.

25. Бошқа мамлакатлардан келган транспорт воситалари юк ва багаждан бўшатиладиганидан кейин чегара пунктлари транспорт ташкилотлари томонидан, юк олиб бориш мўлжалланган жойда эса юкни қабул қилиб олувчи томонидан тозаланиши лозим.

Карантин объекти борлиги аниқланса ёки борлиги гумон қилинса ўсимликлар карантини давлат инспектори кемаларни фумигацияга, вагонлар ва транспорт воситаларини эса, ювиш дезинфекция станцияларига жўнатиш тўғрисида кўрсатма беради.

26. Ўзбекистон ва чет эл транспорт воситаларидаги карантин объекти ёки бошқа хавфли зарарқунандалар билан зарарланган озиқ-овқат заҳиралари давлат инспекторининг кўрсатмаларига биноан зарарсизлантирилиши ёки транспорт воситалари тўлиқ зарарсизлантирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши вақтида омборхоналарда сўрғичлаб тамға босиб қўйилиши лозим.

27. Иккинчи марта фитосанитар назоратидан ўтказилганидан кейин, лаборатория экспертизаси учун зарурият бўлмаса карантин назоратидаги материаллар келиб тушган жойдаги ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан мазкур маҳсулотдан фойдаланиш шартлари тўғрисида хулоса чиқарилади ва ижро этилиши зарур бўлган фитосанитар тадбирлар белгиланади.

28. Карантин ва бошқа хавфли зарарқунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар билан зарарланган карантин остидаги материалларга нисбатан зарарсизлантириш ва тозалашнинг самарали тадбирларини қўллашнинг имкони бўлмаса, улар белгиланган тартибда экспортёрга қайтарилиши ёки йўқ қилиниши лозим.

29. Уруғликлар ва кўчатлар солинган посилкалар ва бандероллар Ўзбекистон Республикасига етиб келганидан кейин фитосанитар назорати ва экспертизасидан ўтказилиши лозим. Чегара пунктининг давлат инспектори томонидан посилкалар ва бандероллар кўздан кечирилганида, уларда карантин объекти борлиги гумон қилинса, улар назоратдан ўтказиш учун карантин лабораториясига топширилади.

#### **IV. Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан карантин назоратидаги материалларни олиб киришнинг карантин тартиби**

30. Дипломатик ва ташқи савдо ташкилотларининг номига келиб тушган карантин назоратидаги материалларнинг товар намуналари умумий асосларда фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

31. Дипломатик, консуллик, давлат савдо вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотларнинг вакиллари шунингдек, имтиёзлар ва имунитетлардан фойдаланувчи шахслар давлат чегарасидан ўтиш вақтида ўсимликлар карантини чегара пунктининг давлат инспектори уларга Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўсимликлар карантинига доир қонун ҳужжатларини ҳамда карантин назоратидаги материалларни фитосанитар назоратидан ўтказилишини тушунтиради.

32. Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар учун юборилган карантин назоратидаги юклар унинг эгаси ёки вакили ва юк келиб тушган жойдаги божхона органи

ходими назоратида экспертиза учун намуналар олган ҳолда, фитосанитар назоратидан ўтказилади. Мазкур юкларга уларни жўнатган мамлакатнинг карантин хизмати томонидан берилган фитосанитар сертификати илова қилинган бўлиши лозим.

33. Карантин объектлари мавжуд деган шубҳа туғилса, юк экспертиза учун карантин лабораториясига топширилади, башарти, карантин ва бошқа хавfli зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар мавжудлиги аниқланса, уларни зарарсизлантириш ёки юк жўнатувчига қайтариб юборилиши лозим.

Бу ҳақда алоҳида далолатнома тузилиб, ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори манфаатдор тарафларга маълум қилади.

34. Чет давлатларнинг элчихоналари, миссиялари ёки дипломатик ва савдо ваколатхоналари номига келиб тушган уруғли, дуккакли ва цитрус ўсимликларни фитосанитар назоратидан ўтказилиб, доналаб тозаланган, шунингдек лаборатория экспертизасидан ўтказилгандан кейин соф мевалари, башарти, карантин остидаги материаллар мавжуд бўлмаса, зарарсизлантирилмаган ҳолда олиб кирилиши ва улардан озиқ-овқат сифатида фойдаланишга йўл қўйилиши мумкин.

#### **V. Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби**

35. Карантин назоратидаги материаллар транзит тарзида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ёпиқ ёки изотермик, ташишга яроқли ва пломбаланган вагонларда, автофургонларда, авторефрежератор ёки контейнерларда ҳамда «Божхона транзит режими тўғрисида»ги Низом (1998 йил 23 декабрь, рўйхат рақами 577) талабларини инобатга олган ҳолда ташиб ўтилади.

Ушбу қоидалар бузилган тақдирда транзит тарзида ташишга йўл қўйилмайди.

36. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транзит тарзда олиб ўтиладиган карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

37. Карантин назоратидаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

уруғликлар, кўчатлар, мевалар, сабзавотлар, ёғоч материаллари карантин назоратидаги бошқа маҳсулотларнинг товар партиялари Инспекция томонидан транзит учун бериладиган рухсатномаларда белгиланадиган шартлар асосида (транзит юкларига экспортёр мамлакатнинг фитосанитар сертификати илова қилинган бўлиши лозим);

почта орқали, йўловчиларнинг багаж(юк хона) ва қўл юки ичида келтирилган уруғликлар, янги мевалар, сабзавотлар ва карантин назоратидаги бошқа маҳсулотлар ўсимликлар карантини бўйича чегара пункти давлат инспекторининг фитосанитар назоратидан ўтказилганидан кейин олиб киришга рухсат этилади.

#### **VI. Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларини зарарсизлантириш ва тозалаш тартиби**

38. Карантин остидаги материаллар ва бошқа хавfli ўсимлик зараркунандалари билан зарарланган барча импорт юклар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши вақтида чегара пунктларида зарарсизлантирилиши, қайтариб юборилиши ёхуд йўқ қилиниши ва бу ҳақда алоҳида далолатнома расмийлаштирилиб, манфаатдор тарафларга маълум қилиниши лозим.

39. Карантин остидаги материаллар ташиб бўлинганидан кейин барча турдаги

транспорт воситалари тозаланиши ҳамда белгиланган тартибда зарарсизлантирилиши лозим.

40. Транспорт воситаларини чегара пунктида ёки реализация пунктида карантин остидаги материаллардан зарарсизлантириш зарурияти ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан аниқланади. Юк қабул қилиб олувчилар ёки транспорт ташкилотлари чегара пункти давлат инспекторининг кўрсатмаси асосида ўсимликлар карантини бўйича тегишли давлат инспекцияларининг махсус фумигация отрядларига зарарсизлантириш тадбирлари ўтказиш тўғрисида талабнома берадилар.

41. Фумигация камералари, штабеллар, кемаларнинг трюмлари ва багаж (юк хона)ларида, вагонлар ва контейнерларда ҳамда транспортнинг бошқа турларида карантин остидаги материаллар ва хавfli зараркунандалар билан зарарланган материал (товар юк)ларни зарарсизлантириш бўйича ишлар чегара пунктларида ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг махсус фумигация отрядлари томонидан амалга оширилади.

42. Кемалар ва баржалар, вагонлар, контейнерлар, автотransпорт ва юкларни зарарсизлантириш бўйича ишларни олиб бориш учун транспорт ташкилотлари ва юк қабул қилиб олувчилар томонидан зарарсизлантириш технологияси ва техника хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус жиҳозланган бандаргоҳлар, майдонлар ва бинолар ажратилади. Транспорт воситалари ва юкларни фумигация ҳамда дегазацияга тайёрлаш бўйича ишлар фумигация отрядлари мутахассисларининг иштирокида транспорт ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

43. Карантин назоратидаги материаллар чет эллардан зарарсизлантирилган ҳолда жўнатилганда, улар Ўзбекистон Республикаси чегара пунктларида фумигация отрядлари томонидан тўғри дегазация қилинганлиги текширилади.

44. Цитрус ўсимликлар меваларини рефрежерация қилиш ва уларни музлатгич камераларда зарарсизлантириш ўсимликлар карантини давлат инспектори назорати остида юкни қабул қилиб олувчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

45. Зарарланган карантин остидаги материалларни дегазация, фумигация, рефрежерация қилиш ёки бошқа усулларда зарарсизлантиш (тозалаш, қайтариб юбориш ёки бошқа манзилга жўнатиш, йўқ қилиб юбориш), юкларни, багаж(юк хона)ларни посилкаларни очиш ёки ўрамлаш, уларни зарарсизлантириш жойларига олиб бориш ва у ердан қайтариб олиб келиш билан боғлиқ харажатлар юкларни қабул қилиб олувчилар ҳисобидан қопланади.

## **VII. Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби**

46. Импорт материалларга карантин рухсатномасини олиш учун импорт қилаётган ташкилотлар ҳужжатларни расмийлаштиришга камида 30 кун қолганида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига ариза беришлари лозим.

47. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига тақдим этиладиган аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтиш мўлжалланган карантин назоратидаги материалларнинг номи ва миқдори (ҳар бир тури бўйича алоҳида);

материаллар жўнатиладиган ва улардан фойдаланиладиган жой (манзил, транзит тарзидаги юклар учун эса йўналиш ва жўнатилаётган мамлакат);

транзит тарзидаги карантин назоратидаги импорт материалларни олиши мўлжалланаётган мамлакат, шунингдек мазкур материаллар етиштирилган мамлакат номи; карантин назоратидаги материаллар етиб келишининг ёки транзит тарзида ташиб ўтилиши мўлжалланаётган муддатлар;

мазкур юклар олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган Ўзбекистон Республикасидаги чегара пунктнинг (порт, бандаргоҳ, темир йўл станцияси, аэропорт, автостанция ва шу кабилар) номи.

48. Карантин назоратидаги импорт материаллар учун рухсатнома бериш сўралган аризада импортёр ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси томонидан белгиланган карантин шартлари ва тадбирларини ўз ҳисобидан ва ўз кучи билан бажаришини таъминлаш кафолатини зиммасига олиши шарт.

49. Карантин назоратидаги материалларни олиб келиш тўғрисида биринчи мартаба ариза берилганда, аризага тегишли давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

50. Почта жўнатмаларида йўловчиларнинг ёки кемалар, самолётлар экипажларининг аъзолари ёхуд поезд бригадаси аъзоларининг багада, қўл юкида Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган карантин остидаги материаллар мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолса, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур маҳсулотлар олиб қўйилиши ва юк эгалари иштирокида йўқ қилиб юборилиши ёки зарарсизлантирилиши лозим.

51. Илмий аҳамиятга эга бўлган уруғликлар ва қўчатларда карантин объектлари борлиги гумон қилинганда, уларнинг эгалари розилиги билан интродукцион-карантин қўчатхоналарига топширилиши мумкин.

52. Йўловчилардан карантин остидаги материаллар (қўл юки ва багаж) олиб қўйилганда, бу ҳақда ўсимликлар карантини давлат инспектори икки нусхада далолатнома тузади ва унинг бир нусхаси материал эгасига топширилади.

53. Импорт уруғликлар, қўчатлар ва бошқа карантин назоратидаги импорт материаллар чегара пунктларидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига транспортировка қилинганда ёки юкни қабул қилиб олувчилар турлича бўлганда ўсимликлар карантини давлат инспектори ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланган шаклдаги фитосанитар сертификатини (мазкур Низомнинг 4-илоvasи) беради. Сертификатнинг биринчи ва иккинчи нусхалари транспорт ҳужжатларига илова қилинади.

Карантин фитосанитар сертификати ҳар бир транспорт бирлиги учун алоҳида берилади.

54. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган карантин назоратидаги материаллар ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан фитосанитар сертификати бор-йўқлиги текширилган ҳолда карантин назоратидан ўтказилади.

55. Зарарсизлантирилган карантин остидаги материалларга берилган карантин сертификатида зарарсизлантириш ўтказилган жой, соат, маҳсулот қандай усул билан зарарсизлантирилганлиги, унинг микдори, экспозицияси, грамм нормаси ва зарарсизлантириш ўтказилган сана кўрсатилиши лозим.

56. Карантин назоратидаги материалларни дарё портлари, аэропортлар, темир йўл ва автомобиль станциялари, алоқа корхоналари ва бошқа чегара пунктлари орқали мамлакат ичкарасига олиб кирилишига импорт қилаётган давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган фитосанитар сертификати мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

57. Чет мамлакатлардан келтирилган карантин назоратидаги юкларни карантин шартларига биноан бошқа муассаса, ташкилот ёки минтақага жўнатиб юбориш

лозим бўлса, мазкур юкларни бошқа манзилга жўнатиш, Инспекция рухсати билан тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси кўрсатмасига биноан алоқа корхоналарининг, аэропортлар, темир йўллар ва автостанциялар ҳамда бошқа транспорт ташкилотларининг маъмурияти томонидан юклар ва материалларни қабул қилиб олувчи ҳисобидан амалга оширилади.

### **VIII. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари**

58. Ўзбекистон Республикасидан чет мамлакатларга олиб чиқиладиган карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ўсимликлар карантини бўйича тузилган конвенциялар ва халқаро битимларда шунингдек, савдо шартномаларида, контрактларда ва импорт қилаётган мамлакатнинг қўшимча талабларида назарда тутилган фитосанитар шартларга жавоб берадиган бўлиши лозим.

59. Илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини синаш давлат комиссияси томонидан чет мамлакатларга юбориладиган уруғликлар ва кўчатлар улар етиштирилган жойларда карантин экспертизасидан ўтказилиб, уларга фитосанитар сертификати илова қилинади.

60. Фитосанитар сертификати импортёр мамлакатлар билан ўсимликлар карантини бўйича тузилган битимлар ва халқаро конвенцияларда назарда тутилган, шунингдек импортёрларнинг қўшимча равишдаги фитосанитар талабларида кўрсатилган талабларга мувофиқ, карантин назоратидаги материалда зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар йўқ эканлигини тасдиқлаши лозим.

61. Фитосанитар сертификатида юкни зарарсизлантириш ва бундай материалларни етказиб бериш бўйича қўшимча фитосанитар талаблар бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилади, башарти, бу нарса импортёр томонидан ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ўсимликларнинг ботаник номи лотинча ёзилади.

62. Фитосанитар сертификати юк олиб чиқиб кетаётган ҳар бир транспорт бирлигига (вагон, автомашина, кема, баржа ва бошқалар) ёки ҳар бир партиёга юкни жўнатишга кўпи билан ўн беш кун қолганида берилади ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда юкни қабул қилиб олувчи номига жўнатилади. Фитосанитар сертификати муҳр билан тасдиқланади.

63. Экспорт қилинаётган юклар дастлаб жўнатилаётган жойларда, сўнгра қайта юклаш (экспорт партиясини шакллантириш) вақтида дарё портлари, темир йўл станциялари ва бошқа чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилади.

64. Чегара пунктида қайта юкланмаган ҳолда экспорт қилинганида юк жўнатишдан берилган фитосанитар сертификати қай даражада тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади.

65. Фитосанитар сертификати икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси юк жўнатувчига берилади, иккинчи нусхаси эса, чегара пункти ёки тегишли давлат инспекциясида ҳисобот учун қолдирилади.

66. Карантин назоратидаги материаллар қайта экспорт қилинаётганда уларга нисбатан ушбу Низомда кўрсатилган барча карантин талаблари татбиқ этилади.

67. Карантин назоратидаги материалларни Республика ҳудудидан олиб чиқишга улар тайёрланган жойдаги тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан берилган карантин фитосанитар сертификати мавжуд бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

**IX. Яқуний қоидалар**

68. Ўсимликлар карантини талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

69. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ташқи ишлар вазири*

*В. НОРОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*Ф. НАЗИРОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь*

*Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири*

*Э. ФАНИЕВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь*

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

*С. НОСИРОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь*

*Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори*

*А. АРИПОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь*



Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида низомга  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва унинг ташқарисига олиб чиқиладиган асосий карантин назоратидаги маҳсулотлар, юклар ва материаллар (товарлар) рўйхати**

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
0601	Тугунақлар пиёзи, тугунақсимон илдизлар, тугунақ пиёзлар, илдизпоя, жумладан вегетатив тиним ҳолатидаги, вегетация ёки гуллаш давридаги сертармоқлари; сачратқининг 1212—товар позициясидан ташқари ўсимлик ва илдизлари:
0601 10	— пиёзлар, тугунақлар, тугунақсимон илдизлар, тугунақпиёзлар, илдизпоя, жумладан вегетатив тиним ҳолатидаги сертармоқлари;
0601 10 100	— гулисумбуллар
0601 10 200	— нарғизлар
0601 10 300	— лолалар
0601 10 400	— илонгуллар
0601 10 900	— бошқалар
0610 20	— пиёзлар, тугунақлар, тугунақсимон илдизлар, тугунақпиёзлар, илдизпоя, жумладан вегетация ёки гуллаш давридаги сертармоқлари, ўсимлиги ёки илдизи:
0601 20 100	— сачратқи ўсимлиги ва илдизи:
0601 20 300	— орхидеялар, гулисумбуллар, нарғизлар ва лолалар
0601 20 900	— бошқалар
<b>0602</b>	<b>Бошқа тирик ўсимликлар ( жумладан илдизлари), қаламчалар ва пархиш; замбуруғ мицелийси:</b>
0602 10	— илдиз отмаган қаламчалар ва пархиш:
0602 10 100	— ток
0602 10 900	— бошқалар
0602 20	— истеъмол қилинадиган мевали ёки ёнғоқли дарахтлар, буталар ва бутачалар, пайвандланган ёки пайвандланмаган:
0602 20 100	— ток қаламчалари, пайвандланган ёки илдиз отгани
0602 20 900	— бошқалар
0602 30 000	— рододендронлар ва азалиялар, пайвандланган ёки пайвандланмагани
0602 40	— атиргуллар, пайвандланган ёки пайвандланмагани:
0602 40 100	— куртак ёки қаламчали пайвандланмагани
0602 40 900	— куртак ёки қаламчали пайвандлангани
0602 90	— бошқалар
0602 90 100	— замбуруғ мицелийси
0602 90 200	— ананас ўсимлиги
0602 90 300	— сабзавот экинлар ўсимлиги, ертутлар ва қулупнайлар
	— очик ер учун ўсимликлар:
	— дарахтлар, буталар ва бутачалар:
0602 90 410	— ўрмон дарахтлари
0602 90 450	— илдиз отган қаламчалар ва ёш ўсимликлар (ниҳоллар)
0602 90 490	— бошқалар:
	— очик ер учун бошқа ўсимликлар
0602 90 510	— кўп йиллик ўсимликлар
0602 90 590	— бошқалар
	— ёпиқ ер учун ўсимликлар
0602 90 700	— кактуслардан бошқа илдиз отган қаламчалар ва ниҳоллар
0602 90 910	— кактуслардан бошқа гунчали ёки гулли гуллайдиган ўсимликлар
0602 90 990	— бошқалар
<b>0603</b>	<b>Барра қуритилган, бўялган, оқартирилган, шимдирилган ёки бошқа усулларда тайёрланган гулдаста тузаш ёки манзарали мақсадлар учун ярайдиган кесилган гуллар ва гунчалар</b>
0603 10	— барра:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
0603 10 100	— атиргул
0603 10 200	— чиннигул
0603 10 300	— орхидея
0603 10 400	— илонгул
0603 10 500	— хризантема
0603 10 800	— бошқалар
<b>0604</b>	<b>Барра қуритилган, бўялган, оқартирилган, шимдирилган ёки бошқа усулларда тайёрланган гулдаста тузаш ёки манзарали мақсадлар учун ярайдиган барглар, новдалар ва ўсимликнинг гулсиз ҳамда гунчасиз бошқа қисмлари, ўтлар, мохлар (йўсин) ва лишайниклар</b>
0604 10	— мохлар (йўсин) ва лишайниклар:
0604 10 100	— бугу йўсини
0604 10 900	— бошқалар
0604 91	— барра:
	— рождество байрами дарахтлари:
0604 91 210	— кавказ пихтаси ( <i>Abies nordmanniana</i> (Stev.) Spach) ва асл пихта ( <i>Abies procera</i> Rehd)
0604 91 290	— бошқалар
	— нинабаргли дарахтлар новдаси:
0604 91 410	— кавказ пихтаси ( <i>Abies nordmanniana</i> (Stev.) Spach) ва асл пихта ( <i>Abies procera</i> Rehd)
0604 99	— бошқалар:
0604 99 100	— кейинчалик ишлов бермасдан, қуритилгани
0604 99 900	— бошқалар
<b>0701</b>	<b>Янги картошка ёки совитилгани</b>
0701 10 000	— уруглик
0701 90	— бошқалар:
0701 90 100	— крахмал ишлаб чиқариш учун
0701 90 500	— ёш, 1 январдан 30 июнгача
0701 90 900	— бошқалар
<b>0702 00 000</b>	<b>Янги помидор ёки совитилгани</b>
<b>0703</b>	<b>Пиёз, шалот пиёзи, саримсоқ, поррей пиёзи ва бошқа пиёзли сабзавотлар, барраси (янгиси) ёки совитилгани:</b>
0703 10	— пиёз ёки шалот пиёзи
	— пиёз:
0703 10 110	— нўшпиёз
0703 10 190	— бошқалар
0703 10 900	— шалот пиёзи
7003 20 000	— саримсоқ
0703 90 000	— поррей пиёзи ва бошқа пиёзли сабзавотлар
<b>0704</b>	<b>Бошли карам, гулкарам, кольраби, барг карам ва Brassica уругига мансуб шунга ўхшаш истеъмол қилинадиган сабзавотлар, барраси (янгиси) ёки совитилгани</b>
0704 10 000	— гулкарам
0704 20 000	— брюсель карами
0704 90	— бошқалар:
0704 90 100	— оқ бошли ва қизил бошли карам
0704 90 900	— бошқалар
<b>0705</b>	<b>Салат-пиёз (<i>Lactuca sativa</i>) ва сачратқи (<i>Cichorium</i> spp.), барраси (янгиси) ёки совитилгани:</b>
	— салат-латук
0705 11 000	— бошли салат-латук (бошли салат)
0705 19 000	— бошқалар:
	— сачратқи:
0705 21 000	— оддий сачратқи ( <i>Cichorium intybus</i> var. <i>foliosum</i> )
0705 29 000	— бошқалар:
<b>0706</b>	<b>Савзи, шолғом, бурак, эчкисоқол, илдиз сельдерей, редиска ва бошқа шунга ўхшаш истеъмол қилинадиган илдизмевалар, барраси (янгиси) ёки совитилгани</b>
0706 10 000	— савзи ва шолғом

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
0706 90	— бошқалар:
0706 90 100	— илдиз сельдерей
0706 90 300	— оддий хрен (ерқалампир) ( <i>Cochlearia armoracia</i> )
0706 90 900	— бошқалар:
<b>0707 00</b>	<b>Санча бодринглар, барраси (янгиси) ёки совитилгани</b>
0707 00 050	— бодринглар
0707 00 900	— санча бодринглар
<b>0708</b>	<b>Дуккакли сабзавотлар, пўчоғи арчилгани ёки арчилмагани, барраси (янгиси) ёки совитилгани</b>
0708 10 000	— нўхат ( <i>Pisum sativum</i> )
0708 20 000	— ловия ( <i>Vigna spp.</i> , <i>Phaseolus spp.</i> )
0708 90 000	— бошқа дуккакли сабзавотлар
<b>0709</b>	<b>Бошқа сабзавотлар, барраси (янгиси) ёки совитилгани:</b>
0709 10 000	— артишоклар
0709 20 000	— сарсабил
0709 30 000	— бақлажон (бодрижон)лар
0709 40 000	— илдиз сельдерейдан бошқа сельдерейлар
	— замбуруғлар ва трюфеллар
0709 51 000	— <i>Agaricus</i> уругидаги замбуруғлар
0709 52 000	— трюфеллар
0709 59	— бошқалар
0709 59 100	— лисичка – кўзиқориннинг бир тури
0709 59 300	— моховиклар
0709 59 900	— бошқалар
0709 60	— <i>Capsicum</i> ёки <i>Pimenta</i> уругининг мевалари
0709 60 100	— ширин қалампир
0709 60 910	— <i>Capsicum</i> уруғи, капсицин ёки қалампир бўёқ моддаси ишлаб чиқариш учун
0709 60 950	— эфир мойлари ёки резиноидларни саноат ишлаб чиқариши учун
0709 60 990	— бошқалар
0709 70 000	— исмалоқ, Янги Зеландия исмалоғи, йирик исмалоқ (боғ исмалоғи)
0709 90	— бошқалар:
0709 90 100	— салат – латук ( <i>Lactuca sativa</i> ) ва сачратқи ( <i>Cichorium spp.</i> )дан бошқа салат сабзавотлар
0709 90 200	— барг лавлаги ва қардон
	— маслиналар ёки зайтунлар
0709 90 310	— мой тайёрлашдан бошқа мақсадларда қўллаш учун
0709 90 390	— бошқалар
0709 90 400	— ковуллар
0709 90 500	— оқ зира
0709 90 600	— ширин маккажўхори
0709 90 700	— кабачки
0709 90 900	— бошқалар
<b>0710</b>	<b>Сабзавотлар (хом ёки сувда ё бугда пиширилгани), музлатилганлари:</b>
0710 10 000	— картошка
	— пўчоғи арчилган ёки арчилмаган дуккакли сабзавотлар
0710 21 000	— нўхат ( <i>Pisum sativum</i> )
0710 22 000	— ловия ( <i>Vigna spp.</i> , <i>Phaseolus spp.</i> )
0710 29 000	— бошқалар
0710 30 000	— исмалоқ, Янги Зеландия исмалоғи ва йирик исмалоқ (боғ исмалоғи)
0710 40 000	— маккажўхори
0710 80	— бошқа сабзавотлар:
0710 80 100	— зайтун ёки маслиналар
	— <i>Capsicum</i> ёки <i>Pimenta</i> уругининг мевалари:
0710 80 510	— ширин қалампир
0710 80 590	— бошқалар
	— замбуруғлар:
0710 80 610	— <i>Agaricus</i> уругидан
0710 80 690	— бошқалар
0710 80 700	— помидорлар

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
0710 80 800	— артишоклар
0710 80 850	— сарсабил
0710 80 950	— бошқалар
0710 90 000	— сабзавот аралашмаси
<b>0711</b>	<b>Қисқа муддат сақлаш учун (масалан олтингурут диоксидоми, намакоб, олтингурутли сув ёки бошқа вақтинча консервалайдиган эритмаларда) консерваланган сабзавотлар, бироқ улар шу ҳолда бевосита истеъмол қилишга ярамайди:</b>
0711 20	— зайтун ёки маслина
0711 20 100	— мой тайёрлашдан бошқа мақсадларда қўллаш учун
0711 20 900	— бошқалар
0711 30 000	— ковул
0711 40 000	— бодринглар ва сапча бодринглар — замбуруғлар ва трюфеллар:
0711 51 000	— Agaricus уруғидан замбуруғлар
0711 59 000	— бошқалар
0711 90	— бошқа сабзавотлар; сабзавотлар аралашмаси — сабзавотлар
0711 90 100	— ширин қалампирдан ташқари Capsicum ёки Pimenta уруғининг мевалари
0711 90 300	— маккажўхори
0711 90 500	— пиёз
0711 90 800	— бошқалар
0711 90 900	— сабзавот аралашмаси
<b>0712</b>	<b>Қуритилган, бутун, бўлаклар ва парракларга бўлинган, майдаланган ёки кукун ҳолидаги, аммо кейинги ишлов берилмаган сабзавотлар:</b>
0712 20 000	— пиёз — замбуруғлар, аурикулярриялар (Auricularia spp.), туруш замбуруғлари (Tremella spp.) ва трюфеллар:
0712 31 000	— Agaricus уруғидан замбуруғлар
0712 32 000	— аурикулярриялар (Auricularia spp.)
0712 33 000	— туруш замбуруғлари (Tremella spp.)
0712 39 000	— бошқалар
0712 90	— бошқа сабзавотлар; сабзавотлар аралашмаси:
0712 90 050	— картошка, бутун, парракларга бўлинган, аммо кейинги ишлов берилмаган — ширин маккажўхори (Zea mays var. saccharata):
0712 90 110	— экиш учун дурагай
0712 90 190	— мустаҳкам
0712 90 300	— помидорлар
0712 90 500	— савзи
0712 90 900	— бошқалар
<b>0713</b>	<b>Қуритилган, уруғ пўсти арчиб тозаланган ёки тозаланмаган, янчилган ёки янчилмаган:</b>
0713 10	— нўхат (Pisum sativum)
0713 10 100	— экиш учун
0713 10 900	— бошқалар
0713 20 000	— тоғ бурчоқ — ловия (Vigna spp., Phaseolus spp.)
0713 31 000	— Vigna mango (L.) Hepper ёки Vigna radiate (L.) Wilczek ловия турлари
0713 32 00	— майда қизил ловия (адзуклар) (Phaseolus ёки Vigna radiate (L.))
0713 33	— оддий ловия, жумладан оқ майда уруғли ловия (Phaseolus vulgaris):
0713 33 100	— экиш учун
0713 33 900	— бошқалар
0713 39 000	— бошқалар
0713 40 000	— ясмиқ
0713 50 000	— йирик уруғли боқла (Vicia faba var. major) ва майда уруғли боқла (Vicia faba var. equine, Vicia faba var. major)

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
<b>0714</b>	<b>Таркибида крахмал ёки инулиннинг миқдори юқори бўлган маниок, маранта, салея, чўчқа картошка, батат ва шу каби бошқа илдизмевалар ҳамда тугунак меваларнинг барраси (янгиси), совитилгани, музлатилгани ёки қуритилгани, бутунлари, тилимчали кесилгани ёки гранула шаклидаги; саго пальмаси ўзаги:</b>
0714 10	— маниок (кассава)
0714 10 100	— йирик ва майда тортилган ундан гранулалар
0714 10 910	— истеъмом қилишга мўлжалланган, дастлабки ўрамда нетто – массаси 28 кг дан кўп эмас, ё янги бутуни, ёки пўчоқсиз музлатилгани, паррак кесилгани ёки кесилмагани
0714 10 990	— бошқалар
0714 20	— ширин картошка ёки батат
0714 20 100	— истеъмом қилишга мўлжалланган бутун барралари (янгилари)
0714 20 900	— бошқалар
0714 90	— бошқалар
	— маранта, салея ва шунга ўхшаш таркибида крахмал миқдори кўп бўлган илдизмевалар ва тугунак мевалар
0714 90 110	— истеъмом қилишга мўлжалланган, дастлабки ўрамда нетто – массаси 28 кг дан кўп эмас, ё бутуни барраси (янгиси), ёки пўчоқсиз ва музлатилгани, паррак кесилгани ёки кесилмагани
0714 90 190	— бошқалар
0714 90 900	— бошқалар
<b>0801</b>	<b>Бразилия ва кешью, кокос ёнғоқлари, янги ёки қуритилгани, пўчоғи тозаланганлари ёки тозаланмаганлари, пўстли ёки пўстсиз:</b>
0801 11 000	— кокос ёнғоқлари — қуритилгани
0801 19 000	— бошқалар — бразилия ёнғоқлари:
0801 21 000	— пўчоқли
0801 22 000	— пўчоғи тозаланган — кешью ёнғоқлари
0801 31 000	— пўчоқли
0801 32 000	— пўчоғи тозаланганлар
<b>0802</b>	<b>Янги ёки қуритилган, пўчоғи тозаланган ёки тозаланмагани, пўстли ёки пўстсиз ёнғоқлар:</b>
	— бодом
0802 11	— пўстли:
0802 11 100	— аччиқ
0802 11 900	— бошқалар
0802 12	— пўсти тозалангани:
0802 12 100	— аччиқ
0802 12 900	— бошқалар — ўрмон ёнғоғи ( <i>Corylus spp.</i> ):
0802 21 000	— пўчоқли
0802 22 00	— пўчоғи тозалангани — ёнғоқлар:
0802 31 000	— пўчоқли
0802 32 000	— пўчоғи тозалангани
0802 40 000	— каштанлар ( <i>Castanea spp.</i> )
0802 50 000	— писталар
0802 90	— бошқалар
0802 90 200	— арёк (бетел), кола ва пекан ёнғоқлари
0802 90 500	— кедр ёнғоқлари
0802 90 600	— макардамия ёнғоқлари
0802 90 850	— бошқалар
<b>0803 00</b>	<b>Бананлар, жумладан плантайнлар, янги ёки қуритилгани:</b>
	— янги:
0803 00 110	— плантайнлар
0803 00 190	— бошқалар
0803 00 900	— қуритилгани

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
<b>0804</b>	<b>Финиклар, анжир, ананаслар, авокадо, гуайява, манго ва мангостан ёки гарциния, янгиси ёки қуритилгани:</b>
0804 10 000	— финиклар
0804 20	— анжир:
0804 20 100	— янгиси
0804 20 900	— қуритилгани
0804 30 000	— ананаслар
0804 40 000	— авокадо
0804 50 000	— гуайява, манго ва мангостан ёки гарциния
<b>0805</b>	<b>Цитрус ўсимликлар меваси, янги ёки қуритилгани:</b>
0805 10	— апельсинлар: — ширин, янги апельсинлар:
0805 10 100	— королькалар ва ярим королькалар
0805 10 300	— Навел, Навелин, Навелат, Салус Тиана, Верна, кечки Валенсия, Мальтеза, Шамоутис, Овалис, Тровита ва Гамлин навлари
0805 10 800	— бошқалар
0805 20	— мандаринлар (жумладан танжеринлар ва сатсума); Клемениналар, вилкинглар ва цитрус ўсимликларнинг шунга ўхшаш дурагайлари:
0805 20 100	— клементинлар
0805 20 300	— монреал ва сатсума
0805 20 500	— мандаринлар ва вилкинглар
0805 20 700	— танжеринлар
0805 20 900	— бошқалар
0805 40 000	— грейпфрутлар
0805 50	— лимонлар (Citrus limon, Citrus limonum) ва Лаймалар (Citrus aurantifolia, Citrus latifolia):
0805 50 100	— лимонлар (Citrus limon, Citrus limonum)
0805 50 900	— лаймалар (Citrus aurantifolia, Citrus latifolia):
0805 90 000	— бошқалар
<b>0806</b>	<b>Ўзум, янгиси ёки қуритилгани:</b>
0806 10	— янгиси:
0806 10 100	— истеъмол қилинадиган навлари
0806 10 900	— бошқалар
0806 20	— қуритилгани
	— дастлабки ўрамда нетто – массаси 2 кг дан кўп эмас:
0806 20 110	— қора кишмиш
0806 20 120	— султон
0806 20 180	— бошқалар
0806 20 910	— қора кишмиш
0806 20 920	— султон
<b>0807</b>	<b>Қовунлар (жумладан тарвузлар) ва папайя, янгиси:</b>
	— қовунлар (жумладан тарвузлар)
0807 11 000	— тарвузлар
0807 19 000	— бошқалар
0807 20 000	— папайя
<b>0808</b>	<b>Олмалар, ноклар ва беҳи, янгиси:</b>
0808 10	— олмалар:
0808 10 100	— сидра ишлаб чиқариш учун (16 сентябрдан 15 декабргача)
0808 10 200	— Голден Делишес нави
0808 10 500	— Грани Смит нави
0808 10 900	— бошқалар
0808 20	— ноклар ва беҳи:
0808 20 100	— 1 августдан 31 декабрга қадар қопламасдан пери ёки нок сидрасини ишлаб чиқариш учун
0808 20 500	— бошқалар
0808 20 900	— беҳи
<b>0809</b>	<b>Абрикослар, олча ва гилос, шафтоли (жумладан нектаринлар), олхўри ва терн, янгиси:</b>
0809 10 000	— абрикослар
0809 20	— олча ва гилос:

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
0809 20 050	— нордон олча ( <i>Prunus cerasus</i> )
0809 20 950	— бошқалар
0809 30	— шафтолилар, жумладан нектаринлар:
0809 30 100	— нектаринлар
0809 30 900	— бошқалар
0809 40	— олхўрилар ва терн:
0809 40 050	— олхўрилар
0809 40 900	— терн
<b>0810</b>	<b>Бошқа мевалар, янгиси</b>
0810 10 000	— ер тут ва қулупнай
0810 20	— булдургун, маймунжон, тут ва логанов мевалари:
0810 20 100	— булдургун (малина)
0810 20 900	— бошқалар
0810 30	— қорақат, қизилқат ва крижовник:
0810 30 100	— қорақат
0810 30 300	— қизилқат
0810 30 900	— бошқалар
0810 40	— клоква, черника ва <i>Vaccinium</i> уругининг бошқа мевалари:
0810 40 100	— брусника ( <i>Vaccinium vitis – idaea</i> турининг мевалари)
0810 40 300	— <i>Vaccinium myrtillus</i> турининг мевалари:
0810 40 500	— <i>Vaccinium macrocarpon</i> ва <i>Vaccinium corymbosum</i> турларининг мевалари
0810 40 900	— бошқалар
0810 50 000	— киви
0810 60 000	— дуриан
0810 90	— бошқалар
0810 90 300	— тамаринд, анакардия ёки акажу, личи, жекфрут ёки нон дарахти меваси, саподилла
0810 90 400	— пассифлора ёки страстоцвет, карбола ва питайя
0810 90 950	— бошқалар
<b>0811</b>	<b>Қайнаган сув ёки бугда иссиқ ишлов берилгани ёки берилмагани, музлатилгани, қанд ёки бошқа ширинлаштирувчи модда қўшилгани ёки қўшилмагани:</b>
0811 10	— ер тут ва қулупнай:
0811 10 100	— таркибида 13 мас%дан кўп қанд бўлгани
0811 10 190	— бошқалар
0811 10 900	— бошқалар
0811 20	— булдургун, маймунжон, тут ва логанов меваси, қорақат, қизилқат ва крижовник
	— қанд ёки бошқа ширинлаштирувчи модда қўшилгани:
0811 20 110	— таркибида 13 мас%дан кўп қанд бўлгани
0811 20 190	— бошқалар
0811 20 310	— булдургун
0811 20 390	— қорақат
0811 20 510	— қизилқат
0811 20 590	— маймунжон ва тут меваси
0811 20 900	— бошқалар
0811 90	— бошқалар
0811 90 110	— тропик мевалар ва тропик ёнғоқлар
0811 90 190	— бошқалар
0811 90 310	— тропик мевалар ва тропик ёнғоқлар
0811 90 390	— бошқалар
	— бошқалар:
0811 90 500	— <i>Vaccinium myrtillus</i> турининг мевалари:
0811 90 700	— <i>Vaccinium myrtilloides</i> ва <i>Vaccinium angustifolium</i> турларининг мевалари:
	— олча ва гилос
0811 90 750	— нордон олча ( <i>Prunus cerasus</i> )
0811 90 800	— бошқалар
0811 90 850	— тропик мевалар ва тропик ёнғоқлар
0811 90 950	— бошқалар

ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
<b>0812</b>	<b>Қисқа муддат сақлаш учун (масала, олтингугурт диоксидоми, намакоб, олтингугуртли сув ёки бошқа вақтинча консервалайдиган эритмаларда) консерваланган мевалар ва ёнғоқлар, бироқ улар шу ҳолда бевосита истеъмол қилишга ярамайди:</b>
0812 10 000	— олча ва гилос
0812 90	— бошқалар:
0812 90 100	— абрикослар
0812 90 200	— апельсинлар
0812 90 300	— папайя
0812 90 400	— Vaccinium myrtillus турининг мевалари:
0812 90 500	— қорақат
0812 90 600	— булдургун (малина)
0812 90 700	— гуайява, манго, мангостан ёки гарциния, тамаринд, анакардия ёки акажу, личи, жекфрут ёки нон дарахтининг меваси, саподилла, пассифлора ёки страстоцвет, карамбола, питайя ва тропик ёнғоқлар
0812 90 990	— бошқалар
<b>0813</b>	<b>0810 – 0806 товар позициялари меваларидан бошқа қуритилган мевалар; мазкур гуруҳ ёнғоқлари ёки қуритилган мевалари аралашмаси:</b>
0813 10 000	— абрикослар
0813 20 000	— қора олхўри
0813 30 000	— олмалар
0813 40	— бошқа мевалар:
0813 40 100	— шафтолилар, жумладан нектаринлар
0813 40 300	— ноклар
0813 40 500	— папайя
0813 40 600	— тамаринд
0813 40 700	— анакардия ёки акажу, личи, жекфрут ёки нон дарахтининг меваси, саподилла, пассифлора ёки страстоцвет, карамбола ва папайя
0813 40 950	— бошқалар
0813 50	— мазкур гуруҳ ёнғоқлари ёки қуритилган мевалари аралашмаси
0813 50 120	— папайя, тамаринд, анакардия ёки акажу, личи, жекфрут ёки нон дарахтининг меваси, саподилла, пассифлора ёки страстоцвет, карамбола ва питайидан
0813 50 150	— бошқалар
0813 50 190	— қора олхўри билан
0813 50 310	— тропик ёнғоқлардан
0813 50 390	— бошқалар
	— бошқа аралашмалар:
0813 50 910	— қора олхўри ёки анжир бўлмаган
0813 50 990	— бошқалар
0814 00 000	— цитрус ўсимликлар мевасининг пўсти ёки қовун (жумладан тарвуз) пўчоги, янгиси, музлатилгани, қуритилгани ёки қисқа муддат сақлаш учун намакоб, олтингугуртли сув ёки бошқа вақтинча консервалайдиган эритмада консервалангани
<b>0901</b>	<b>Кофе, қовурилгани ёки қовурилмагани, кофеинли ёки кофеинсиз; кофе шулхаси ва кофе дони қобиғи; таркибида турлича нисбатда кофе бўган кофе ўрнини босувчилар:</b>
	— қовурилмаган кофе
0901 11 000	— кофеинли
0901 12 000	— кофеинсиз
	— қовурилган кофе:
0901 21 000	— кофеинли
0901 22 000	— кофеинсиз
0901 90	— бошқалар
0901 90 100	— кофе шулхаси ва кофе дони қобиғи
0901 90 900	— таркибида кофе бўлган кофе ўрнини босувчилар
<b>0902</b>	<b>Мазали – хушбўй ҳидли қўшимчали ёки қўшимчасиз чай:</b>
0902 10 000	— кўк чай
0902 20 000	— бошқа кўк чай (ферментланмаган)
0902 30 000	— қора чай
0902 40 000	— бошқа қора чай (ферментланган) ва қисман ферментланган
<b>0903 00 000</b>	<b>Мате ёки Парагвай чойи</b>



ТИФТН бўйича коди	Товар ва маҳсулотнинг номи
<b>0904</b>	<b>Piper уруғидан қалампир; Capsicum ёки Pimenta уруғининг мевалари, қуритилгани, янчилгани ёки тортилгани</b>
	— Piper уруғидан қалампир
0904 11 000	— янчилмаган ва тортилмагани
0904 12 000	— янчилгани ёки тортилгани
0904 20	— Capsicum ёки Pimenta уруғининг мевалари, қуритилгани, янчилгани ёки тортилгани:
	— янчилмагани ва тортилмагани
